

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 30 декабрь, № 280 (8623) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Янги йил ярмаркалари**

# БОЗОРЛАР ФАЙЗИ — ДАСТУРХОН КЎРКИ

*Янги йил байрами олдидан халқимизга кафолатли ва арзон нархларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ноз-неъматлари етказиб бериш анъанага айланган.*

*Президентимиз раислигида шу йил 12 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Янги йил байрами олдидан бозорларда шароитларни яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда бозорларда арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этиш ва нарх-навони асоссиз оширишга йўл қўймаслик муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, бозор расталарини кенг ассортиментдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ва захирасини шакллантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.*

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизматининг маълумотига кўра, 2023-2024 йиллар қиш ва баҳор мавсуми учун юртимизда 491 739 тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси жамланган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида арзонлаштирилган ярмаркаларда фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқаларида етиштирилган сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда тақдим этилаётир.*

*Жойларда уюштирилаётган бундай савдо ярмаркалари бозорларимиз тўкинлиги, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, халқимизга байрамона кайфият бағишламоқда.*





**Қорақалпоғистон Республикасининг** 17 та деҳқон бозорида арзонлаштирилган ярмаркалар ташкил қилинди. Хусусан, Нукус деҳқон бозоридаги савдо ярмаркасида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирилган турли озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилинмоқда. Бу ердаги мўл-кўлчилик ва нархларнинг арзонлигидан харидорлар мамнун.

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси бошчилигида 16 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишда Нукус шаҳри ва туманлардаги деҳқон бозорларида байрам ярмаркаларини ташкил қилиш белгиланган эди, — дейди "Нукус деҳқон бозори" АЖ директори ўринбосари Байрам Абатов. — Шунга кўра ҳозирги кунда туманлардаги фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шаҳар бозорларига етказилиб, аҳолига арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси масъул ходимлари савдо ярмаркаларига келтирилаётган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда мева шарбатларининг сифатини назоратга олган.

Қорақалпоғистонда халқимизнинг байрам дастурхони тўкинлигини таъминлаш учун Нукус шаҳридан ташқари яна 16 та туманнинг марказий деҳқон бозорларида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари 2024 йилнинг 10 январига қадар фаолият кўрсатади.

➡ 2

**Қардошлик ришталари**

# «ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ» ТАҚДИМОТИ

*Адабиёт — дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган қудратли ришта. Мамлакатлар ўртасидаги тинчлик-тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда сўз санъатининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс.*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик китоблар мажмуасини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Ушбу ташаббус асосида қисқа вақт ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мазкур муҳташам адабий тўплам яратилиб, ўзбек тилида чоп қилинди.

Тўплам ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарлари саммитида илк бор қардош мамлакатларимиз етакчиларига тақдим этилган ва уларнинг ижобий эътирофига сазовор бўлганди.

Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Туркия Президентининг Халқ кутубхонаси ҳамда халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти ҳамкорлигида Анқара ва Истанбул шаҳарларида "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик мажмуасининг тақдимот маросими ўтказилди.

Анқара шаҳридаги нуфузли кутубхонада уюштирилган мазкур тадбирда Туркиянинг сиёсат ва маданият арбоблари, парламент аъзолари, академик доиралар вакиллари, ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбарияти, мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси ходимлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, журналистлар, адабиёт мухлислари иштирок этди.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАКЛИФЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар янги ном билан кун тартибига кирган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.*

Қонун лойиҳаси ўтган ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ном билан киритилган эди. Лойиҳанинг номи қизғин муҳокама қилиниб, уни ўзгартириш таклифи билдирилган эди.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар берган таклифлар асосида унинг номи ишчи гуруҳ томонидан ўзгартирилди. Бундан ташқари, лойиҳадаги айрим нормалар ҳам берилган таклифлардан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилди ва пишиқ-пухта ҳолатга келтирилди.

Қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга патент божларининг, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ва бошқа тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинадиган давлат божининг миқдорларини бирхиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек "Реклама тўғрисида"ги Қонунга маҳаллий ва чет эл ишлаб чиқарувчилари учун тенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қайд этилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши саноат мулки объектларининг эгалари ҳуқуқларини ҳимоялашга, патент божларининг ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинадиган давлат божларининг миқдорларини бирхиллаштиришга, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига уйғунлаштиришга асос бўлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

**Биз ва жаҳон**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ ТУЗИЛАДИ

*Ўзбекистон элчиси Амирсаид Аъзамхўжаев Польша Миллий савдо палатаси президенти, Европа савдо палаталари уюшмаси вице-президенти Марек Клочко билан учрашув ўтказди.*

Мулоқот давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш, жумладан, 2024 йил апрель ойида Тошкентда ўтказиладиган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссиясининг 8-йиғилиши доирасида ташкил этиладиган бизнес-форумга пухта тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Марек Клочконинг айтишича, Польша томони ўзбек ишбилармон доиралари вакиллари билан электрон тижорат, IT, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон — Польша ишбилармонлар кенгашини тузиш бўйича шартномани комиссиянинг 8-йиғилиши давомида имзолашга келишиб олдилар. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Польшанинг 8 та давлат билан шунга ўхшаш тузилмалари мавжуд. Агар ушбу кенгаш тузилса, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчиси бўлади.

**«Дунё» АА.**
Варшава

# ЯНГИ ОРЗУЛАР ДЕБОЧАСИ

*Пойтахтимиздаги "Томоша" болалар театр-студияси биносида "Президент арчаси" тантаналари бошланди.*

*Анъанавий тарзда Янги йил байрами олдидан ўтказиб келинадиган тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф қилинди.*



...Эртакмонанд безатилган саҳнада намойиш қилинган театрлаштирилган томоша болажонларга завқ-шавқ улашди. Шу билан бирга, мазкур спектакль мурғак қалбларда эзгуликка хайрихоҳлик, меҳр-оқибат, Ватанимизга, халқимизга муҳаббат ва садоқат, ҳар қандай қийинчиликка қарамай, эзгу мақсадлар йўлида доим олға интилиш, жасорат ва матонат туйғуларини тарбиялашга ҳисса қўшгани билан аҳамиятлидир.

— Янги йил мен учун мўъжизавий ва энг қувончли байрам, — дейди оилавий болалар уйида тарбияланаётган Дмитрий Мозговой. — Ҳар йили бу байрамда совғалар оламиз. Яхши ниятлар қиламиз. Бу йилги "Президент арчаси" барча болалар қатори менда ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Барчаси учун раҳмат!

Ўғил-қизларга "Президент совғаси"нинг топширилиши байрам шукуҳини янада оширди.

➡ 2

**Шукуҳ**



Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

**Муносабат**

# МАЪНАВИЯТ СЕКТОРИ — ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА КЎМАКДОШ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди ҳамда маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашди. Ушбу тадбирларда маънавият, маърифат, маданият, санъат ва ижод соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.*

Давлатимиз раҳбари йиғилишда таъкидлаганидек, илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масала. Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда.

Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?

Саволларнинг бундай жиддий қўйилиши бежиз эмас. Маънавий-маърифий жабҳада кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётган бўлса-да, қиладиган ишларимиз ҳали кўп.

➡ 3

# ДАРЁЛАР ДОДИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ!

***"Халқ сўзи" газетасининг 2023 йил 13 сентябрь кунги сонида "Дарёлар фарёдига нега қулоқ тутмаяпмиз?" сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарёлар ўзанларидан қум-шағал қазиб олиш ишлари назоратсиз бажарилаётгани, бу борада белгиланган нормаларга амал қилинмаётгани, оқибатда атроф-муҳит ва экологияга катта зарар етказилаётгани ҳақида ёзган эдик.***




**Таҳририят почтасидан**

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, бу масалага дастлаб Олий Мажлис Сенати эътибор қаратганди. Парламент юқори палатасининг ялпи мажлисларидан бирида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинган эди.

Аммо сенаторларнинг ушбу парламент сўрови натижаларидан сўнг жойларга чиқиб олиб борган ўрганишлари давомида қатор муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаганлиги аниқланган. Шу сабабли мазкур масала юзасидан ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари Сенатнинг ялпи мажлисида яна бир бор муҳокама қилинди ва Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг билдирилган эътирозларга янада жиддий эътибор қаратиб вазиятни назоратга олишлари, қонунбузарликларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилиши таъминланди.

Жумладан, дарё ўзанларида қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларидан лицензия ёки шартнома муддати тугагандан сўнг кон ёки участкани қабул қилиб олиш тартибини такомиллаштириш юзасидан тўртта вазирликнинг қўшма қарори чиқарилди. Мазкур қўшма қарор билан ўзан тозалаш ишлари якунланган объектларда лойиҳа мажбуриятларининг бажарилишини жойнинг ўзида ўрганиш орқали участкаларни қабул қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилди.

➡ 3

# «ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ» ТАҚДИМОТИ




← 1 Таъкидлаш жоизки, ушбу мажмуадан умумтуркий адабиётнинг энг етук намуналари ҳамда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлган Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, кузатувчи мамлакатлар — Туркманистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд атоқли шоир, адиб-мутафаккирларнинг баркамол асарлари ўрин олгани унинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Китобларда барча туркий тилли халқлар адабиёти вакилларига кенг ўрин берилган. Хусусан, "Умумтуркий адабиёт намуналари" деб номланган дастлабки 5 жилддан Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ва Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ", Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг "Ҳикматлар"и ҳамда Носируддин Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" каби мумтоз асарлар ўрин олган.

"Ўзбек адабиёти намуналари" ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг "Сайланма ғазаллари" билан бошланиб, қорақалпоқ адабиёти намуналарини ҳам ўз ичига олади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев, Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати, Туркия — Ўзбекистон парламентлараро дўстлик гуруҳининг раиси Усмон Местен, Анқарадаги Ҳожи Байрам университети ректори, профессор Меҳмет Наси Бостанжи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Халқ кутубхонаси мудири Айҳан Туғлу ва бошқалар ушбу адабий мажмуа туркий тилли давлатлар тарихида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳа сифатида қардош халқларимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Маълумки, Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти совриндори, атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллик таваллуд айёми яқинда барча туркий халқлар томонидан кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Жумладан, адибнинг 10 жилдлик асарлари ўзбек тилида нашр этилди.

Учрашувда Ўзбекистон делегацияси томонидан Чингиз Айтматовнинг мазкур 10 жилдлик асарлар тўплами ҳам Халқ кутубхонасига совға сифатида топширилди.

* * *

Маълумки, янги Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган очиқлик сиёсати жамиятда ижтимоий фаол тузилмаларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Хусусан, **"Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида"** халқаро мультимедиа лойиҳаси ҳам бу борадаги ислоҳотларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.

Ўз навбатида, мазкур лойиҳа асосида 2017 йилда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ("WOSCU") ташкил этилиб, 2018 йилдан фаолиятини бошлади.

Айни вақтга қадар ушбу жамият томонидан **"Ўзбекистон маданий мероси"** туркумида 50 жилд китоб нашр этилди. Бу ишга Озарбайжон, Туркия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Италия, Россия, Польша, Франция, Чехия, АҚШ, Япония каби 40 дан зиёд мамлакатларнинг 400 дан ортиқ шарқшунос олимлари, санъатшунос ҳамда археологлар, музей мутасаддилари жалб қилингани эътиборлидир.

Ўзбекистон делегацияси томонидан Халқ кутубхонаси ва Туркий давлатлар ташкилотига ана шу нодир китоблар мажмуаси ҳам туҳфа этилди.

* * *

"Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик мажмуасининг тақдимот маросими, шунингдек, Истанбул шаҳрида жойлашган Туркий давлатлар ташкилотининг Котибияти қароргоҳида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг туркий бирликни мустаҳкамлаш, туркий халқлар тарихи ва маданий меросини асраб-авайлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Бош котиб "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик мажмуасини юксак баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси асосида тайёрланган ушбу муҳташам адабий тўпламни бошқа аъзо давлатлар тилларига таржима қилиш бўйича Котибият барча имкониятни ишга солишини таъкидлаб ўтди.

Тақдимот маросимларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Ж. ЭШОНҚУЛОВ.**

# ЯНГИ ОРЗУЛАР ДЕБОЧАСИ

← 1 Айтиш жоизки, бу йил ҳам ушбу қизиқарли тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. 2023 йилги "Президент арчаси" тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 ноябрдаги тегишли мажлис баёнига асосан Меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасининг болалар маҳаллалари, болалар уйлари ва "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар интернат-уйлари тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўғил-қизлар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган оилаларнинг 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган фарзандлари ҳамда "Меҳрли мактаб" ўқувчилари учун умумий ҳисобда 11 минг дона "Президент совғаси" тайёрланди.

"Президент совғаси" таркибига давлатимиз раҳбарининг болаларга йўлланган Янги йил байрами табриги, 17 турдаги ширинлик, 2 номдаги канцелярия маҳсулотлари, смарт соат, дартс магнит тахтаси ва бошқа совғалар киритилган. Шунингдек, 12 ёшдан катта 1 600 нафар тарбияланувчи совғалари таркибидан планшетлар ҳам жой олган.

Ушбу орзиқиб кутилган совғалар мамлакатимизнинг 10 та ҳудудига, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларига "Uzbekistan Airways" АЖ самолётлари, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг кузатуви остида автотранспорт воситалари орқали етказилди.

Мамлакатимиз бўйлаб "Президент арчаси" тантаналари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

САРҲИСОБ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЭРИШИЛДИ?

*Поёнига етаётган йил сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятида муҳим натижалар ва кўрсаткичларга бой бўлди. Бу ҳақда айни шу кунларда фракциялар томонидан ўтказилаётган брифингларда маълум қилинди.*

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси томонидан ташкил этилган брифингда 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилда фракция олдида турган вазифалар ҳақида ахборот берилди.*

Таъкидланганидек, ўтган даврда фракция аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 6 та қонун лойиҳасига ҳамташаббускор бўлган. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва таълим сифатини ошириш, жойлардаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга ечим топиш, фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларга катта эътибор қаратилди.

Фракция партия сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, қонунларни такомиллаштиришда қуйи партия ташкилотларидан таклифлар олиш орқали электорат манфаатларини қонун лойиҳаларида акс эттиришга алоҳида аҳамият берди.

Хусусан, "Фракция — марказ — вилоят — туман" тизими орқали партия билан ҳамкорликда 104 та қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган 200 га яқин таклифлардан 50 дан ортиғи қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида инобатга олинган.

Ҳисобот даврида фракция томонидан долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида ҳам муайян ишлар қилинди.

Фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, давлат дастурининг ижроси, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган "Ҳукумат соати" ўтказилди.

Шунингдек, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда долзарб масалалар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 21 та депутат сўрови юборилди.

Фракция фаолиятида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, халқ билан мулоқот қилишга ҳам жиддий ёндашилган. Ўтган вақт давомида фракция аъзолари номига фуқаролардан келиб тушган жами 2619 та мурожаатдан 1586 таси ижобий ечим топган. 1033 та мурожаат эса кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга юборилган.

2023 йилда фракциянинг партия билан ўзаро алоқалари мутлақо янгича кўринишда йўлга қўйилди. Жумладан, жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал этишда натижадорликка эришиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар муаммоларига самарали ечим топишга қаратилган "Бир адолатчи — 100 аёлга ҳимоячи", "Бир ойда — бир иш ўрни", "Муаммо билан юзма-юз", "Адолат — инсон қадри учун", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳалари амалга оширилди.

Брифингда фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқот жараёнлари ОАВда мунтазам равишда ёритиб борилгани алоҳида қайд этилди.

Якунда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

## ЭНГ МУҲИМ НАТИЖАЛАР ВА КЎРСАТКИЧЛАР

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан ўтказилган брифингда 2023 йил якунлари бўйича энг муҳим натижалар юзасидан ахборот берилди.*

Қайд этилганидек, ўтган вақт ичида фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида битта қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилган ва қабул қилинди. Шунингдек, бошқа фракциялар билан биргаликда 6 та қонун лойиҳаси бўйича ташаббускор бўлган.

Фракция йиғилишларида 206 та қонун лойиҳаси юзасидан кечган муҳокамаларда депутатлар томонидан сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини акс эттиришга қаратилган муҳим таклифлар қатъий билдирилиб, 40 га яқин таклифлар лойиҳаларни такомиллаштириш жараёнида инобатга олинган.

Кўриб чиқилаётган даврда фракция томонидан ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, Қонунчилик палатаси мажлисларида мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш борасидаги ишлар ҳам самарали йўлга қўйилган.

Фракция таклифига кўра, сайловчиларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, муҳим соҳа ҳамда тармоқларда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган 2 та "Ҳукумат соати" ўтказилди.

Ўтган даврда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш натижадорлиги ҳам сезиларли равишда ошган. Сайловчиларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этиш, депутатларнинг аҳоли билан ўтказаётган мулоқот ва учрашувлари давомида кўтарилган масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 5 та парламент сўрови юборилди.

Фракция аъзолари томонидан сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли мурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашувларда кўтарилган масалалар, сайлов округларидаги ўрганишларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мансабдор шахсларга жами 23 та депутат сўрови жўнатилган.

Брифингда депутатларнинг ўз округларидаги фаолияти натижадорлигини ошириш, сайловчилар билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, қабул қилинаётган қонунлар ва дастурларнинг ижросини ўрганиш ҳамда ҳудудлардаги ижтимоий соҳага доир тизимли муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича муайян ишлар удддалангани таъкидланди.

Маълум қилинганидек, ўтган даврда фракция аъзолари номига фуқаролардан жами 2635 та мурожаат тушган. Уларнинг 1449 тасига ижобий ечим топилган бўлса, 922 та мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилган. Қолган 264 таси фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилмоқда.

2023 йилда фракциянинг партия билан узвий алоқасини янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, пенсионер ҳамда ногиронлиги бўлган инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилди.

Брифингда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

## ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНМОҚДА

*Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ташкил этилган брифингда таъкидланганидек, фракция ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги жараёнларини янада такомиллаштириш, сайловчилар билан мулоқотни кучайтириш, жойларда фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиб бориш, партиялараро рақобатни ривожлантириш ҳамда ижро органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди.*

2023 йилда фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Шунингдек, фракция аъзолари депутатлар ташаббуси билан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган 5 та қонун лойиҳасига ҳамташаббускор бўлган.

Ўтган даврда фракция тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган устувор вазифаларни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини олиб борди.

Хусусан, фракция йиғилишларида давлат дастурининг бажарилиши, Давлат бюджетининг ижроси, Ҳисоб палатасининг ҳисоботи, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги бўйича тегишли вазирликлар ҳисоботи юзасидан 15 маротаба тегишли мансабдор шахсларнинг ахборотлари эшитилди.

Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида фракция аъзоларининг ўз сайлов округларидаги ўрганишлари ташкил қилинди. Аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 18 маротаба депутатлик сўрови юборилган.

Брифингда айтиб ўтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишларини уюштириш, муҳим тармоқ ва соҳаларда мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этишга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди.

Фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ҳудудларда ўтказилган сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилди. Ҳисобот даврида фракция фаолияти ҳақида ОАВда жами 4506 марта чиқиш қилинган.

Брифинг давомида фракциянинг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди. Фракция 2024 йилдаги фаолиятида бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтилди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямиз талаблари ҳамда аҳолини қийнаб турган масалаларни ҳал этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси юзасидан таъсирчан парламент назоратлари ташкил этилади. Шунингдек, фракция ва партиянинг ўзаро алоқалари мутлақо янгича кўринишда йўлга қўйилади.

**«Халқ сўзи».**

# БОЗОРЛАР ФАЙЗИ — ДАСТУРХОН КЎРКИ

← 1

**Самарқанд вилоятида** бу йил байрам арафасида 24 та ҳудуддаги деҳқон бозорларида арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркалари ташкил этилди. Уларнинг олтитаси Каттақўрғон туманининг Ингичка, Пайариқнинг Накурт, Нурободнинг Жом қишлоқлари сингари олис манзилларда жойлашган.

Ярмаркаларга асосий турдаги маҳсулотлар бозорлар қошидаги савдо-харид қилиш корхоналари захирасидан, қолганлари фермер хўжаликлари ҳамда тижорат фирмаларидан чиқарилмоқда. Ҳар бир маҳсулотнинг бозор қийматидан арзонроқ баҳода сотилиши устидан доимий назорат олиб борилляпти — расталарга маҳсулот нархлари ёзиб чиқилган. Хусусан, мол гўшти 70 минг сўмгача, қўй гўшти 75 минг сўмгача, товуқ гўшти 27 минг, тухум эса 1100 сўмдан қиммат бўлмаслиги керак.

Самарқанд шаҳридаги Сиёб деҳқон бозорида ташкил этилган ярмарка ҳам харидорлар билан гавжум. Эътиборлиси, бу ердаги айрим маҳсулотлар белгиланган нархдан ҳам арзонроқ сотилмоқда.

— Рўзғорга нима керак бўлса, шу ернинг ўзидан харид қиляпмиз, — дейди фуқаро Кимё Маматова. — Ярмаркада маҳсулотлар анча арзон сотилмоқда, масалан, мол гўшти 65 минг сўм, қўй гўшти 70 минг сўм. Бошқа турдаги маҳсулотларнинг ҳам имкон қадар арзон нархларда сотилиши таъминланган. Уларнинг сифати яхши, бундан жуда хурсандмиз.

Ярмаркада фермерлардан ташқари ўттизга яқин тадбиркорлик субъектлари, қандолат цехлари иштирок этаётганлиги харидорларнинг танлаш имкониятини оширмоқда.

Ярмаркалар 2024 йилнинг 10 январига қадар давом этади. Мақсад Янги йил байрами арафасида ва байрам кунлари вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар марказларида ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ҳисобига нархлар барқарор сақланишини таъминлашдан иборат.

Савдо ярмаркалари орқали **Наманган вилоятида** ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлаштирилган нархда етказиб берилаётир. Хусусан, Наманган шаҳри ва Давлатобод туманидаги деҳқон бозорларида ташкил этилган ярмарка расталаридан мева-сабзавот, гўшт, гуруч, салқин ичимликлар ҳамда байрам дастурхони учун зарур бўлган йигирмадан ортиқ турдаги сара маҳсулотлар ўрин олган. Янги йил дастурхони неъматлари ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари томонидан сотувга чиқарилмоқда.

— Ярмаркага ўзимизда етиштирилган ўттиз турдаги ноз-неъматларни олиб келганмиз, — дейди Норин туманидаги "Аброрбек гулшани" фермер хўжалиги раҳбари Абдуmуталлим Қипчоқов. — Харидорларга маҳсулотларимизнинг сифати ва арзонлиги маъқул бўляпти. Масалан, картошканинг килоси 2,5 минг, помидор 8 минг, гўшт 60 минг сўмдан сотилмоқда, бу бозордагидан анча арзон. Ўзимизга ажратилган растага ҳар куни бир тоннадан ортиқ маҳсулот чиқаряпмиз.

Янги йил байрами муносабати билан ташкил этилган савдо ярмаркалари вилоят туманлари марказларида аҳоли дастурхонини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга сафарбар этилган.

Айтиш жоиз, вилоят марказининг ўзида 2024 йилнинг 5 январига қадар давом этадиган кўчма ярмарка расталари кунига 2,2 тонна гўшт, 11,5 тонна балиқ, 15 тонна картошка, 12,5 тонна пиёз, 13 тонна сабзавот, 8,5 тонна гуруч, 16 тоннадан зиёд мева ҳамда бошқа турдаги кундалик зарур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда.

Янги йил байрами олдидан **Фарғона вилояти**даги 19 та марказий деҳқон бозорида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Уларда 32 турдаги кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари бозор нархидан ўртача 15 — 20 фоиз арзон сотилиши таъминланяпти. Нарх-наво ошиб кетмаслигига эришиш бўйича маҳаллий ҳокимлик, прокуратура ва солиқ идоралари масъул ходимлари бириктирилган.

— Бундан ташқари, вилоятнинг 5 та олис ҳудуди, хусусан, Сўх, Фарғона ва Риштон туманларида жойлашган "Шоҳимардон", "Ёрдон", "Ҳосилот" ва "Чўнғара" маҳалла фуқаролар йиғинларида кўчма савдо ярмаркалари ташкил этилди, — дейди Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Ойбек Усмонов. — Ушбу ташаббус орқали олис манзилларда яшовчи аҳоли вакилларига бир қатор қулайликлар яратиш билан бирга нархлар асоссиз равишда оширилишининг олди олинмоқда.

Ярмаркаларда деҳқон ва боғбонлар томонидан етиштирилган сифатли ва сархил мевалар, сабзавот ва полиз, шунингдек, асал, сут, тухум, гўшт ва балиқ каби 50 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидорларга тақдим этилмоқда.

Савдо ярмаркаларида ҳар бир растада маҳсулот нархи қатъий ёзиб қўйилиши доимий назоратга олинган. Солиқ идоралари томонидан эса савдоларнинг тўлов терминаллари орқали ҳам амалга оширилиши бўйича кунлик мониторинг ўтказиб борилаётир.

Шу билан бирга, бозорларда гигиена талабларига риоя этилиши юзасидан ҳудудлар кесимида санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг 132 нафар ходими жалб қилинди.

**Тошкент шаҳрида** ҳам 12 та деҳқон бозорида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари орқали пойтахт аҳолиси ва меҳмонларга кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилляпти. Савдо расталарида байрам дастурхони учун зарур бўлган барча маҳсулот бор.



Бектемир туманида жойлашган "Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори", "Қўйлиқ деҳқон бозори", Учтепа туманидаги "Фарҳод деҳқон бозори", Юнусобод туманидаги "Юнусобод деҳқон бозори" АЖларда ярмаркалар бир маромда ишлаши учун барча шароит муҳайё этилган.

Шайхонтоҳур туманидаги "Эски Жўва деҳқон бозори" АЖ маъмурияти томонидан мутасадди идоралар масъуллари билан ҳамкорликда ярмаркалар белгиланган меъёрлар асосида фаолият олиб бориши, хусусан, нарх-наво барқарорлиги, санитария талабларига риоя этилиши каби ҳолатлар доимий тарзда текшириб борилляпти. Харидорлар билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг таклифлари асосида баъзи камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинмоқда.

— Аҳолининг байрам кайфиятини янада ошириш мақсадида маданий тадбирлар ўтказиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди "Эски Жўва деҳқон бозори" АЖ директори ўринбосари Насрулло Мелиқулов. — Айниқса, дам олиш кунлари турли кўнгилочар дастурлар уюштирилиб, харидорлар ва хорижлик меҳмонларга миллий қадриятларимиз кенг тарғиб этиляпти. Янги йилнинг дастлабки кунлари пойтахтдаги барча бозорлар сингари Эски Жўва деҳқон бозори ҳам бир маромда фаолият кўрсатади.

Бозорда яратилган бундай қулайликлар ва савдо маданиятидан харидорлар мамнун.

**«Халқ сўзи».**

# ДАРЁЛАР ДОДИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ!



1 Кўрилган бу чораларнинг самараси эса газетамизда чоп этилган мақола юзасидан тегишли вазирликлар ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилган хатларга келган жавобларда ўз аксини топган.

## Лицензия бору фаолият қонунга зид

Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари А. Кадирходжаев имзоси билан келган хатда таъкидланишича, мазкур вазирлик томонидан берилган лицензияга эга 107 та ҳамда "Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси билан шартнома асосида фаолият олиб бораётган 143 та тадбиркорлик субъекти текширувдан ўтказилганда 169 та ҳолат бўйича 4,3 млн. метр куб қум-шағал қазиб олингани аниқланган. Шундан 104 та ҳолатда, яъни умумий ҳисобда 1,7 млн. метр куб ҳажмда рухсатнома талаблари бузилган, яъни белгиланган ҳудуддан ташқарида ва белгиланган чуқурликдан пастда қум-шағал олинган.

Лицензияга эга тадбиркорлик субъекти — "Baytqo'rg'on tosh saralash" МЧЖ томонидан қазиш ишларини олиб бориш жараёнида ҳудудни кесиб ўтган юқори босимли газ қувурининг муҳофаза минтақаси ҳисобга олинмаган. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қизилсой дарёсида "Kenes" МЧЖ томонидан лицензияда белгиланган ҳудуддан ташқарида 26 минг метр куб қум-шағал ноқонуний қазиб олинган.

Жавоб хатидан маълум бўлишича, лицензияси бўлса-да, фаолиятида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган тадбиркорлик субъектлари сони 18 тани ташкил этиб, улар томонидан белгиланган ҳудуддан ташқарида иш олиб бориш натижасида 89 минг метр куб қум-шағал ўз билганларича қазилган. Бу бўйича тўпланган ҳужжатлар прокуратурага тақдим этилган.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси ўзанида жойлашган ер ости чучук сув манбаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сув иншооти санитар муҳофаза ҳудудида жойлашган 2 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тўхтатилган.

"Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси билан шартнома асосида ишлаётган тадбиркорлар томонидан 88 та ҳолат бўйича 1,6 млн. метр куб қум-шағал ноқонуний қазиб олингани маълум бўлди. Тошкент вилоятида 20 нафар, Жиззах вилоятида — 12, Қашқадарё вилоятида — 20, Сирдарё вилоятида — 21, Самарқанд вилоятида — 4, Тошкент шаҳрида — 1 ва Сурхондарё вилоятида 10 нафар тадбиркор ноқонуний фаолият олиб борган. Аниқланган ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар прокуратурага оширилган.

Шунингдек, Сангзор дарёсининг Жиззах вилояти Бахмал тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида "Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси билан шартнома асосида ишлаётган "Zarxal qum" МЧЖ томонидан белгиланган ҳудуддан ташқарида 277,19 минг метр куб ҳажмдаги қум-шағал қоидани назарписанд қилмаган ҳолда қазиб олингани аниқланган.

Чирчиқ дарёсидаги "ВУ-1" ва "Ниёзбоши" сув олиш иншоотлари яқинида жойлашган 10 та, Зарафшон дарёсидаги "Дамхўжа-3" атрофидаги 3 та субъект фаолиятини санитар-муҳофаза ҳудудига тўғри келганлиги сабабли тўхтатиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирги вақтда вазирлик томонидан 24 та лицензияни муддатидан олдин бекор қилиш бўйича судга даъво аризаси киритилган. Айни чоғда улардан 18 таси лицензиядан маҳрум этилган.

Жавоб хатида Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 18 ноябрдаги қарори ижроси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси бажарилишини таъминлаш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда қўшма қарор қабул қилингани айтилади. Мазкур қарор дарё ўзанларида қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларидан рухсатнома ёки шартнома муддати тугаганидан сўнг кон ёки участкани қабул қилиб олиш тартибини белгилайди.

Рухсатномаси бекор бўлган тадбиркорлик субъектлари келгусида фаолиятларини давом эттиришлари учун вазирлик томонидан Тошкент, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларидан инфратузилма объектларига яқин жойлашган инерт материаллари хомашёлари мавжуд 125 та муқобил ер майдони белгиланди. Уларнинг умумий майдони 2206 гектарни, захираси 288,2 млн. метр кубни ташкил этади. Мазкур ер қаъри участкалари тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда шаффоф механизмлар асосида "E-auksion" савдо платформасига жойлаштирилиши таъминланади, дейилади жавоб хатида.

## Вазирлик таклифлари

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Назаровдан келган жавоб хатида айтилишича, давлатимиз раҳбари жорий йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Марказий Осиёда сув ресурслари тақчиллиги билан боғлиқ масалага алоҳида урғу бергани, шунингдек, келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим дастуриламал ҳужжат бўлган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг 3-йўналиши сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишлангани ушбу масаланинг нечоғли аҳамиятга эга эканини англатади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги "Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2-иловаси билан тасдиқланган Низомнинг 23-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дарё, канал ва сойларнинг сув ўтказиш қобилияти пасайишини келтириб чиқариши мумкин бўлган ноқонуний қурилишларга, дарё ўзанларида норуда материаллар ўзбилармонларча қазиб олинишига ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишга йўл қўймаслик белгиланган.

Шунга кўра, вазирлик мақолада келтириб ўтилган Чирчиқ, Оқдарё, Қорадарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сангзор ҳамда мамлакатимиздаги бошқа дарёларнинг табиий ўзани ўзгариб, сув ресурсларини самарали бошқаришга хавф туғдиришига зудлик билан барҳам бериш лозим, деб ҳисоблайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган асосий вазифаларда дарё ва сойлар вазирлик тасарруфига киритилмаган бўлса-да, уларнинг ҳолати мамлакатимиз сув хўжалигида муҳим ўрин тутади.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик дарёлар ўзанларини тозалаш, шунингдек, қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда норуда фойдали қазилмалардан фойдаланишда сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсирнинг олдини олиш бўйича бир қатор таклифларни билдирган. Хусусан, вазирликнинг фикрича:

— Чирчиқ, Оқдарё, Қорадарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сангзор дарёларидан қум-шағал қазиб олишни чеклаш бўйича мораторий жорий этиш;

— мораторий эълон қилинадиган участкалар яқинида тош майдалаш цехлари фаолиятини бутунлай тўхтатиш ва уларни қум-шағал захиралари мавжуд бўлган бошқа жойларга кўчириш;

— норуда материаллари конлари ва истиқболли участкалар жойлашган ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил қилиш, инфратузилма объектларини яратиб бериш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органлари алоҳида қарор лойиҳаларини ишлаб чиқишини таъминлаш;

— дарё бўйларидаги қазиш ишлари олиб борилган участкаларда фаолият юритиб келган тадбиркорлик субъектлари томонидан рекультивация ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилишини йўлга қўйиш лозим.

## Бу борада ҳамжиҳатлик муҳим

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари Ш. Жўраев имзоси билан келган жавоб хатида айтилишича, тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор ва ер кўчкилари ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича ҳукумат комиссияси мажлисида белгиланган топшириқ ижросини таъминлаш юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги вилоят бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда дарёлар ўзанларидан ноқонуний қум-шағал қазиб олишнинг олдини олиш мақсадида 170 маротаба ўрганиш ишлари олиб борилган. Уларда ноқонуний фаолият олиб бораётган фуқаролар ва хўжалик субъектларига нисбатан 739 млн. 250 минг сўм миқдорида жарима қўлланилган.

Шунингдек, Президентнинг тегишли қарори ва ҳукумат комиссияси йиғилиши баёнлари ижросини таъминлаш мақсадида сув хўжалиги ва бошқа ижтимоий объектларда тошқин сувлари ва сел оқимларини барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш жараёнида 19 201 та объектда ўрганиш олиб борилди. Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари давом этмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги "Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси вазифа ва функциялари ҳамда барча штат бирликлари билан бирга Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмасига ўтказилди, дейилади вазир ўринбосарининг хатида.

## Ишчи гуруҳи ишга киришди

Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов имзоси билан келган батафсил жавоб хатида айтилишича, вилоят ҳокимлиги томонидан Зарафшон дарёси, Оқдарё ва Қорадарёдан қум-шағал қазиб олиш ҳолатларига чек қўйиш юзасидан ваколат доирасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, мақолада таъкидлаб ўтилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўрганиш олиб борилган ва ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли ташкилотга юборилган. Шунингдек, ўрганиш натижаларига кўра, Самарқанд шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорадарё ўзанидан қум-шағал аралашмасини қазиб олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан "Қоракўлстрой инжиниринг" МЧЖга берилган лицензия вазирлик томонидан белгиланган тартибда бекор қилинган.

Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимлиги шу масала юзасидан алоҳида ишчи гуруҳи тузган. Таркибида вилоят прокуратураси, ички ишлар, солиқ, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармалари ҳамда Миллий гвардия масъуллари бўлган мазкур гуруҳ томонидан табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш билан боғлиқ ишларни тартибга солиш борасида давлат назорати ўрнатилган.

Қум-шағал аралашмаларини ноқонуний тарзда қазиб олиш ҳолатлари бўйича олиб борилган назорат тадбирлари натижасида табиатга "Самарқанд керамик" МЧЖ томонидан 1,8 млрд. сўм, "Мироншоҳ Миркомил" ОК — 3,6 млрд., "Олмазор Севинч" МЧЖ — 4,8 млрд. ва "Жомбой тумани йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси томонидан 2,8 млрд. сўм зарар етказилгани аниқланиб, ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Айтилишича, Қорадарё ўзани ва ер ости сувлари пасайиши дарахт ва буталарнинг қуриб қолишига, ҳудуднинг флора ва фаунасига жиддий зарар етказилишига ҳамда Самарқанд шаҳрини ичимлик суви билан таъминлашда асосий ва ягона манба — "Чўпонота" сув олиш иншооти қудуқларининг сув сатҳи пасайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис Ўзбекистон Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига лицензияларни бекор қилиш бўйича тегишли тартибда мурожаат йўлланган.

Таҳририятга келган жавоблардан маълум бўлишича, газетамизда кўтарилган масала нафақат Олий Мажлис Сенати, балки тегишли вазирликлар ва ҳокимликларнинг диққат марказида. Бу бизни қувонтиради, албатта. Муҳими — назорат ишларини мунтазам ташкил этиш ва қонунбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини таъминлаш. Зеро, табиатни асраш бизнинг келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир. Инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаб, ер ости ва ер усти ресурсларидан оқилона фойдаланмас эканмиз, бунинг оқибатлари жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

**Таҳририят.**

# МАЪНАВИЯТ СЕКТОРИ – ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА КЎМАКДОШ

1 Бинобарин, маънавият — бизнинг яшаш тарзимиз, онгу шууримиз бирламчи омил сифатида қабул қилган ҳаётий мезондир. Агар бехосдан ўша мезон бузилса, барча ўлчов ва меъёрларимиз путурдан кетади. Башарти, маънавият биз учун шу қадар муҳим экан, унда нафақат яшаш тарзимиз, ҳатто нафас олишимизнинг тартиботини ҳам шунга қараб ростлашимиз керак.

Президентимиз шу йил 16-17 ноябрь кунлари ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига қилган ташрифи давомида айни масалага ҳам яна бир бор эътибор қаратганди. Чунки бугунги глобаллашув шароитида маънавият, маърифат, таълим-тарбия, илм-фан ютуқларисиз юксак чўққиларни забт этиб бўлмайди.

Аждодларимиз азал-азалдан таълим ва тарбиянинг энг муҳим омили сифатида маънавият ва маърифатга алоҳида аҳамият беришган. Зеро, маънавиятли авлод ҳеч қачон ёт ғояларга оғишиб, ўз Ватанидан кечмайди. Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий моҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксарияти маънавий қашшоқлик оқибатида юзага келаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Инсон тафаккурида юзага келадиган маънавий кемтикликни иқтисодий йўл билан тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, маънавият оқсаса, жамият таназзулга юз тутади.

Ёшлар тарбияси ўта мураккаб ва масъулиятли, шу билан бирга, натижаси аниқ иш. Бу эса ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, фарзандлар тарбиясига оид барча маълумотдан бохабар бўлишни талаб этади. Тарбия ўз-ўзидан бўлиб кетаверадиган иш эмас. Бу, айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари ёшлар тарбияси, инсон капиталини ривожлантириш, маҳаллада аҳоли ўртасида мунтазам тарғиботни йўлга қўйиш, маънавий-маърифий ишларни тизимли амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, Термизийдек буюк алломаларга бешик бўлган кўҳна заминда Маънавият секторини ташкил этишда Сурхондарё тажрибасини яратиш зарурлиги бўйича топшириқ берган эди.

Маънавият сектори тажрибаси нега айнан Сурхондарёда йўлга қўйилди, деган ҳақли савол пайдо бўлиши табиий. Бу воҳа азалдан маънавият ва маърифатнинг кўҳна ўчоғи сифатида тарихимизда ўз ўрнига эга. Ҳудуддан топилган қадимий осориатиқалар, "Алпомиш" сингари достонларнинг шу ҳудудда яратилиши, энг қадимги инсон манзиллари, кўҳна битиклар, буддавийлик маданияти қолдиқлари, илм соҳасида фаолият юритган кўплаб термизийлар мероси юртимизда маънавий-маърифий ишларни янги босқичда ривожлантириш учун мазкур вилоят танланишига асос яратган, деб ўйлаймиз.

Хўш, Маънавият секторининг асосий вазифаси нимадан иборат? Сектор шаҳар ва туманлар, ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини таъминлаш, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси ҳамда ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади.

Аниқроқ айтганда, ушбу сектор оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, шу асосда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини юритади. Эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсиз ёндашиш каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Таълим муассасалари, маҳалла, ташкилот ва идораларнинг маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган ёт ғоялар ҳамда дабдабабозлик, маънисиз расм-русумлар ва урф-одатларга қарши курашиш ташаббусини илгари суради. Бу каби саъй-ҳаракатлар маънавий таҳдидларнинг моҳиятини, аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш ҳамда тушунтириш ишларини амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур секторда юқоридаги вазифалар қаторида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ҳамда таклифлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

Маънавият сектори мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар мониторингини олиб боради. Бу бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш секторнинг функционал вазифалари ҳисобланади.

Айни пайтда муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш, вилоятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини таъминлаш бўйича "йўл хариталари"ни тузиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз йиғилишда зиёлиларимизни тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда янада фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақирди.

> *Маънавият сектори тажрибаси нега айнан Сурхондарёда йўлга қўйилди, деган ҳақли савол пайдо бўлиши табиий. Бу воҳа азалдан маънавият ва маърифатнинг кўҳна ўчоғи сифатида тарихимизда ўз ўрнига эга. Ҳудуддан топилган қадимий осориатиқалар, "Алпомиш" сингари достонларнинг шу ҳудудда яратилиши, энг қадимги инсон манзиллари, кўҳна битиклар, буддавийлик маданияти қолдиқлари, илм соҳасида фаолият юритган кўплаб термизийлар мероси юртимизда маънавий-маърифий ишларни янги босқичда ривожлантириш учун мазкур вилоят танланишига асос яратган, деб ўйлаймиз.*

Таъкидлаш керакки, 5-сектор фаолияти зиёлиларимизнинг ўз ташаббус ва таклифлари билан жамият ҳаётида фаол қатнашишида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча шарт-шароит ҳозирланди.

Вилоятдаги бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари 15 та туман (шаҳар) Маънавият секторига масъул этиб белгиланди. Шу мақсадда 454 та мактабгача таълим ташкилоти, 960 та мактаб, 54 та профессионал таълим ва 7 та олий таълим муассасаси, 724 та маҳалла, 360 та бошқарма ва ташкилотда Маънавият секторининг бошланғич-таянч тузилмалари ташкил этилди.

Мазкур секторларнинг барчасига алоҳида хона ажратилиб, давлат рамзлари, жадид алломаларимиз, воҳа ҳамда республикамизнинг таниқли ижодкорлари ҳаёт йўли ва ижод фаолияти акс этган стендлар, кутубхона бурчаклари очилди.

Маънавият сектори зиммасига таълим, маҳалла тизимларида ва ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, ёшларга алоҳида эътибор қаратиш, уларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, бой қадриятларимизни асраб-авайлаш, китобхонликни ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини ошириш вазифалари юкланган.

Сектор жамиятдаги ижтимоий-маънавий муаммоларга тизимли ёндашади ҳамда мувофиқлаштирувчи тузилмага масъул ва жавобгар орган ҳисобланади.

Айтиш керакки, Маънавият секторини ташкил қилиш замирида, аввалambор, ўзини, миллатини, Ватанини қадрлайдиган ва буни шунчаки номига, қоғозда эмас, балки онгу тафаккурида, хатти-ҳаракатларида акс эттира оладиган инсонни тарбиялаш мақсади ётибди.

Шу боис 5-секторнинг асосий иш фаолияти инсон феноменини ривожлантиришга қаратилади. Энг муҳими, ушбу тузилма жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ҳамда қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга кўмакдош, ҳамдам бўлади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари.**

# ХОЛИСЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

## АУДИТОРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИДИР

*Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарурлигини алоҳида таъкидлади.*

### Мушоҳада

Аслида ҳам, давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида ёшлар таълими ҳамда янги авлод кадрларини тарбиялаш масаласига эътибор қаратади. Навқирон авлоднинг нафақат замонавий билимларни эгаллаши, балки улар азалий қадриятлар, халқимизнинг эзгу анъаналари, умуминсоний фазилатлар руҳида камол топиши зарурлигини уқтиради. Ёшларнинг жамиятга янги қон бўлиб кириши, қайси соҳада ишламасин, ҳалоллик ва адолатни ҳаёт қоидасига айлантириши лозимлигига урғу беради.

Айни жиҳатлар аудит соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир инсонга ҳам ниҳоятда зарур. Зеро, мазкур соҳанинг иқтисодий ислоҳотлар натижадорлигида ўрни катта.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аудит бозорида катта ўзгаришлар рўй бериб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда халқаро принциплар ва илғор хорижий тажрибалар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилган.

2021 йил 25 февралда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун соҳада янги даврни бошлаб берди. Мазкур ҳужжат юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига жадал уйғунлашув жараёнида иқтисодиётни либераллаштиришда институционал ўзгаришларнинг чуқурлашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш ва аудит жараёнидаги тартиб-таомилларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Шунингдек, соҳада хизмат сифатининг ошишига, миллий аудитнинг халқаро миқёсдаги замонавий тенденцияларга мувофиқлигини таъминлашга, аудиторлик касби нуфузининг юксалишига замин яратмоқда.

Бугунги кунда аудиторларга иш натижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттириладиган турли иқтисодий субъектларнинг фаолиятини баҳолаш усулларига янгича, замонавий ёндашувлар жуда зарур. Ҳар бир иқтисодий субъектда бухгалтерия ҳисоби тизими нисбатан арзон бўлиши ҳамда молия-хўжалик операциялари ва иқтисодий воқеалар ўз вақтида, тўғри акс этиши кафолатланиши лозим.

Аудиторлик ишида далилларни тўплаш жуда зарур. Бу жараён кўп жиҳатдан муҳимлик даражасига боғлиқ бўлиб, у қанча юқори бўлса, аудиторлик далиллари шунчалик кўп тўпланади ва риск кам бўлади.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг (АФМС) "Муҳимлик ва аудиторлик риски" миллий стандартида "муҳимлик ва аудиторлик риски", "ажралмас риск", "назорат риски", "топа олмаслик риски" каби тушунчалар ва уларнинг моҳияти очиб берилган.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида, асосан, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ҳамда баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни кўриб чиқади. Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Таҳлиллар Ўзбекистонда ҳозирги пайтда аудиторлик ташкилотларининг мутахассислари муҳимлик даражасини бир неча усул билан аниқлашини кўрсатади. Муҳимликнинг ягона даражаси аудит қилинаётган молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади. Шу ягона даража бухгалтерия балансининг муҳим моддалари ўртасида ушбу моддаларнинг валютада солиштирма ҳажмига мутаносиб тақсимланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини аудитдан ўтказиш босқичида аудитор ҳар гал аудиторлик таваккалчилигини қандай чамалаш ва уни қандай қилиб энг кам даражага келтириш муаммосига дуч келади.

Аудиторлар ҳисоботларда ҳеч қандай хато йўқлигига ёки бўлса ҳам арзимас хато эканлигига ишонч ҳосил қиладиган ва мижоз компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳақиқий манзарани акс эттирадиган маълумотларни олишга ҳаракат қилиб ишлайди.

Қарорларни асослаш ва қабул қилиш аудиторнинг мустақиллигини талаб этади. Компания ҳисоботларини текширишда уларда аниқланган хатоларни баҳолайди: бу хатолар моҳияти ҳамда мазмунига кўра муҳим ва номуҳим турларга бўлинади. Аудиторлик ташкилоти ўз шартнома мажбуриятларини бажаришда, амалда текширув объектларини тўлиқ қамраб ололмайди. Натижада молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг мутлақо ҳаққоний эканини кафолатлай олмагани ҳолда, маълум даражадаги таваккалчилик билан уларни тасдиқлайди. Шу боис аудитор ишида ҳамиша маълум даражада таваккалчилик мавжуд бўлади.

Демак, аудитор хулосасида баён этилган фикр ҳар доим ҳам мутлақо тўғри бўлиши мумкин эмас. Аммо деярли ҳамма вақт ахборотдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши лозим. Шундай экан, юксак билим ва тафаккур, мустақил фикр юрита олиш қобилияти, ҳалоллик ва адолатлилик, сергаклик ва оқиллик, ўз касбини севиш аудиторнинг асосий фазилатига айланиши шарт.

Шу маънода, қонунда холислик ва ҳалоллик принципи белгиланганi бежиз эмас. Бинобарин, унга кўра, аудитор жамият манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги, аудиторлик ташкилотининг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

**Хумора ДЎСТМУРОДОВА,**
**Тошкент молия институти магистранти.**

# МАЪМУН УНИВЕРСИТЕТИНИНГ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Янги йил арафасида Урганч шаҳрида Маъмун университетининг янги биноси фойдаланишга топширилди.*

*Таъкидлаш жоизки, илгари вилоятда битта университет ва 2 та олий ўқув юртининг филиали мавжуд бўлса, бугунги кунга келиб олий таълим муассасалари сони 9 тага етди. Шунингдек, илгаридан фаолият юритиб келган олий таълим муассасаларида қабул квоталари сони ошиб, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, бир нечта нодавлат университетлар ташкил қилиниб, минглаб талаба-ёшларни ўз бағрига олди.*



## Туҳфа

Натижада 2021 йилда вилоятда мактаб битирувчиларининг 26 фоизи олий таълим муассасаларига қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошди.

Вилоятда фаолият юритиб келаётган олий таълим даргоҳлари орасида Маъмун университетининг ҳам алоҳида ўрни бор. Университет фаолиятини бошлаганига атиги уч йил тўлган бўлса-да, илмий изланишлар олиб бориш, таълим жараёнини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Фойдаланишга топширилган янги бино эса бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради.

Янги ўқув биноси Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди. Бу бино замонавий андозалар асосида жиҳозлангани, ўқув-лаборатория имкониятлари мавжудлигидан ташқари шаҳарнинг қоқ марказида жойлашгани билан ҳам талабаларга анча қулайлик туғдиради.

Маълумот учун, айни кунда Маъмун университетида 7 та йўналиш бўйича 7,5 минг нафар талаба таҳсил олмоқда. Янги ўқув биноси минг ўринга мўлжалланган бўлиб, қурилиш-таъмирлаш ишларига университет томонидан 38 млрд. сўм маблағ сарфланди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА




# РАҚАМЛИ МАРКИРОВКА ТИЗИМИ

## истеъмолчиларни ноқонуний маҳсулотлардан ҳимоя қилади

*Дунё мамлакатлари қалбаки маҳсулотларнинг кенг кўламли муаммосига қарши курашиш учун турли усуллар ва воситалардан фойдаланади. Ўзбекистонда уч йилдан буён бозорни рақамлаштириш, контрафакт ва контрабандага қарши курашиш асосий вазифаларидан бири бўлган “Asl Belgisi” рақамли маркировка тизими фаол жорий этилмоқда.*

### Хизмат

Бугунги кунда “Asl Belgisi” рақамли маркировка тизимида маҳсулот айланмаси иштирокчиларининг умумий сони 53 минг 891 нафарни ташкил қилади. 2023 йилда мазкур йўналишдаги қатнашчиларнинг ўсиши 2022 йилдагига нисбатан 4 баробар ошди.

“Asl Belgisi” рақамли маркировка тизими учун 2023 йил самарали бўлди. Маркировка тизими оператори асосий саъй-ҳаракатларини тизимни ривожлантириш, истеъмолчилар учун мобиль иловани модернизациялаш, шунингдек, бизнес учун иловани ишга туширишга қаратди ва маҳсулот гуруҳларига сезиларли таъсир қилди.

### 2023 йил муваффақиятлари

“Asl Belgisi” маркировка тизими маълумотларига кўра, 2023 йилда Ўзбекистонда пиво маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошган.

Пиво саноатида шу йил пиво маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари сони 80 фоиз кўпайди. Шунингдек, чеклар бўйича сотилган маркировкали пиво маҳсулотлари 2022 йилдагига нисбатан 4 баробар кўп бўлди. Бу муваффақият мамлакатда ушбу маҳсулотларга мажбурий рақамли маркировканинг жорий этилгани билан изоҳланади. Шуни таъкидлаш керакки, маркировка мамлакатга солиқ йиғилиши ҳажмини оширишга ёрдам беради. Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори Аҳмадбек Файзиевнинг айтишича, маркировка тизимига ўтилганидан бери икки йил давомида пиво ишлаб чиқариш 50 фоизга ошган.

2023 йилда маиший техника маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари сони ўтган йилдагига нисбатан 4 баробар кўп бўлганини таъкидлаш жоиз. Мазкур сонниг ўсиши билан маиший техниканинг рўйхатдан ўтган савдо номлари сони ҳам кўпайиб, жорий йилда 204 фоизга ошди. Шунингдек, 2022 йилдагига нисбатан 500 баробар кўпроқ маркировкали маиший техника муомаладан чиқарилди.




**ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ МАРКИРОВКАЛАШ БОШЛАНГАНИГА БИР ЙИЛ БЎЛДИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДА МАҲСУЛОТ АЙЛАНМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ СОНИ 2022 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 4 БАРОБАР КЎПАЙДИ. БУ ЙИЛ МАРКИРОВКАЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА СОТИШ 2022 ЙИЛДАГИГА ҚАРАГАНДА 800 БАРАВАР КЎПАЙДИ.**

Бугунги кунда мамлакатда алкоголь, тамаки, пиво маҳсулотлари, маиший техника ва дори воситалари маркировкаланади. 2024 йилнинг мартидан эса сув ва газланган ичимликларга рақамли маркировкани жорий этиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора иқтисодиётни рақамлаштириш ва истеъмолчиларни ноқонуний маҳсулотлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Рақамли маркировка тизимига кўра, Ўзбекистонда жорий йилда маркировкаланган алкоголь маҳсулотлари гуруҳи бўйича айланма иштирокчилари сони ўтган йилдаги даражадан 21 фоиз ошган. Шунингдек, ўтган йил давомида алкоголь маҳсулотларининг рўйхатдан ўтган савдо номлари сони 25 фоизга ортди. Жорий йил якунига кўра ўтган йилдагига нисбатан 3 баробар кўп маркировкали алкоголь маҳсулотлари муомаладан чиқарилди.

Тамаки маҳсулотлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, жорий йилда маҳсулот айланмаси иштирокчилари сони 18 фоизга ошди. Ўтган йилдагига нисбатан бу йил тамаки компаниялари маркировка тизимида 23 фоиз кўпроқ маҳсулот номларини рўйхатдан ўтказди. Шунингдек, маркировкаланган тамаки маҳсулотлари 2022 йилдаги кўрсаткичдан уч баравар кўпроқ муомаладан чиқарилди.

Дори воситаларини мажбурий маркировкалаш бошланганига бир йил бўлди ва жорий йилда маҳсулот айланмаси иштирокчилари сони 2022 йилдагига нисбатан 4 баробар кўпайди. Бу йил маркировкаланган дори воситаларини қабул қилиш бўйича сотиш 2022 йилдагига қараганда 800 баравар кўпайди.

### Ҳар бир мурожаат эътиборда

Ҳозирда маркировка тизими фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлаш хизмати мавжуд бўлиб, у маҳсулот айланмаси иштирокчиларининг кундалик сўровларини қабул қилади. Ўтган йил давомида телефон орқали 24 минг, “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали 14 мингдан ортиқ сўровлар, шунингдек, электрон почта ва Маълумотлар маркази орқали 7 мингдан кўп мурожаатлар кўриб чиқилди. 2022 йилдагига нисбатан бу йил мурожаатлар сони 56 фоизга ошган.

**«Халқ сўзи».**

*Хизматлар лицензияланган.*




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6